

Аллоҳдан нима умиддасиз?



16:31 / 10.08.2017 5036

"Аллоҳу Таоло: "Мени бандам қандай тасаввур қилса шундай бўламан, у Мени эслаганда Мен уни ёнида бўламан. У Мени дилида эсласа Мен ҳам уни ичимда эслайман, жамоа (одамлар ораси)да тилга олса Мен улардан ҳам яхшироқ одамлар орасида эслайман. Бандам Менга бир қаричга яқинлашса Мен унга бир тирсакка яқинлашаман....." (Бухорий).

Бу сатрларни ўқиганда биз Аллоҳ қанчалик ўз бандаларини севишини хис қиламиз ва раҳматидан умид қиламиз. Яратганни эслаганимизда арш билан алоқа ўрнатилиши ва шу захотиёқ У ҳам бизларни ёдга олишини тасаввур қилиш нақадар қувончлидир. Биз Уни одамлар орасида тилга олсак У бизни фаришталар ичида тилга олади.

Ҳадисда "Бандам Мени қандай тасаввур қилса мен шундайман..." дейилган. Агарда биз Аллоҳнинг раҳм шавқатига умид қилиб У бизга марҳамат кўрсатиб гуноҳларимизни мағфират қилишига ишонсак Яратганимиз кутганимиздан ҳам зиёдасини беради.

Аллоҳ олдидаги қўрқувимиз бу умидимиздан устун бўлишига йўл қўймаслик керак, чунки Аллоҳ биз уни қандай хис қилсак шундайдир.

Аллоҳни рози қилишга, Уни ғазаблантирувчи амалларни қилмасликка интилиб, Унинг жазосидан қўрқиб ва мукофотига ишониб, Унинг гўзал исмлари ва сифатларини такрорлашда тасалли топишимиз ва унинг марҳаматидан шодланишимиз лозим.

Баъзи бириларимиз Аллоҳни фақат лаблари билан ёдга олса, қолганлари Аллоҳнинг муҳаббати сари тўғри йўлда умид билан ҳаракатланишни хошлашади-ю лекин фақат майда қадам ташлай олишади. Баъзи бирилари эса узоққа сакраш ва хаттоки У томон югуришга ҳам кодирлар. Аллоҳ ҳар биримизга ўз кўлини чўзади. Қандай даражада эканлигингиз аҳамиятга эга эмас, асосийси илк қадамни ташлашдир.

Ўйлаб кўрилса бу Ҳадиснинг маъноси бизга буюк ишонч бахш этади. Сизга мақсадингизга эришиш учун куч, ирода ва хаттоки вақтингиз йўқдек туйилади. Балки бу ҳақиқатдир ва сизда буларнинг ҳеч қайсиниси йўқдир. Лекин сиз режа тузинг ва ҳаракатингизни бошланг, чунки Аллоҳ сизни қўллайди ва олға юришга ёрдамлашади.

Агарда сиз Куръонни тўлиқ ёдлашингиз, ҳаётингизни ўзгартиришингиз, ишингизни яхшилашингиз, ўз ишингизни бошлашингиз, кимнидир кечиришингиз, саратонга қарши дори ихтиро қилишингиз ёки чекишни ташлашингиз сиз учун ўта мураккаб ва сиз буни уддаламайсиз деб ўйлаётган бўлсангиз, унда бу сўзлар сизга куч - қувват бағишлайди.

Шунда ҳақиқатданх йўл давомида ёлғиз юришингизга тўғри келмайди. Сиздан биринчи қадам ташлаш талаб қилинади фақат, шу сабаб Аллоҳ сизга яқинлашади ва йўлни давом эттиришга кўмаклашади.

Биз аксарият ҳолларда ўз имкониятларимизни баҳолаганимизда фақатгина шахсий қобилиятларимизни ҳисобга оламиз ва Аллоҳ ёрдамини инобатга олмаймиз. Лекин Аллоҳ Таоло, Уни эслаганимизда биз билан бирга бўлади ва қадам ташлашимиз билан бизга мададкор бўлади.

Унинг ҳозирлиги ва кўмаги бизга мисли кўрилмаган куч бағишлайди. Аллоҳ ёрдамининг даражаси фақат ният ва қатъиятлигимизга боғлиқ - Аллоҳ сари қадам ташланг ва У сиз томон “югуради”.